



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 7 июль, № 144 (8206)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 июль куни архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш — ҳаёт талаби, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бири. Юртимизда бу соҳага кенг имкониятлар берилгани натижасида бунёдкорлик суръати ошди. Сўнгги беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объектлар, 31 мингта корхона барпо қилинди. Шу даврда қурилиш ишлари ҳажми 4 баравар ошиб, 2021 йилда 107 триллион сўмни, жорий йилнинг беш ойида 46 триллион сўмни ташкил этди.

Бундай ўсиш яхши, албатта. Лекин соҳада лойиҳалаш ва сифат борасида ҳали камчиликлар бор. Ҳамма қурилиш билан бўлиб, архитектура орқада қолиб кетди. Шу боис йиғилишда, аввало, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини тартибга солиш масалаларига эътибор қaratилди.

Кўп жойларда илгари тасдиқланган Бош режалар аҳоли ва иқтисодиётнинг бугунги ўсишига мос келмай қолган. Хорижий экспертларнинг таҳлилларига кўра, Бош режалар бўлмаса 2030 йилга бориб инфратузилма харажатлари 2 баравар ошади ва қишлоқ хўжалиги ерлари 30 минг гектарга камайиб кетади.

Шу боис лойиҳалаш ва қурилиш ишлари борасида янги тизим жорий этилиши белгиланди. Унга кўра, ҳудудларнинг Бош режаси ва “мастер режа”ларини ишлаб чиқиш бўйича Республика кенгаши тузилди. Қурилиш вазирлигида Бош архитектор лавозими жорий қилиниб, унга вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилди.

Вилоятларда “лойиҳа офислари” очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят Бош архитектори

масъул бўлади. Шунингдек, туман ва шаҳар қурилиш бўлимига архитектор раҳбарлик қилади. Бош режа ва “мастер режа”ни ишлаб чиқиш янгича ёндашув асосида, 3 босқичда бўлади. Биринчи босқичда Республика кенгаши муайян вилоятнинг 5, 10 ва 20 йиллик ривожланиш йўналишлари, ер ва инфратузилма чегараларини белгилайдиган “Бош схемаси”ни тасдиқлайди. Улар асосида иккинчи босқичда ҳудуднинг Бош режаси ишлаб чиқилади. Бунда саноат, хизмат кўрсатиш ва аҳоли масканларини белгилаш, йўллар ва инфратузилма тармоқларини тақсимлаш кўзда тутилади. Учинчи босқичда Бош режаларга асосан, вилоят, туман ва шаҳар бош архитекторлари ҳамда ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари ўз ҳудудининг “мастер режа”ларини тасдиқлайди. Бунда уй-жойлар, мактаб, боғча, шифохона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашуви кўрсатилади.

Қисқача айтганда, энди Қурилиш вазирлиги қайсидир маҳаллада дўкон қаерда бўлиши ёки бино қандай ёритилиши билан шугулланмайди. Бундай масалалар туман ва маҳалла даражасида ҳал бўлади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарсозлик қоидаларини такомиллаштириш ҳамда халқро меъёрларга мослаштириш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, халқро стандартлар асосида тайёрланган лойиҳаларга Техник кенгаш ҳулосасини олиш тартиби бекор қилинади, ҳорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинади.

Бундан ташқари, қурилишда товарлар ва хизматлар нархини шаклланти-

риш тизими ҳам тартибга солинмаган. Ишларни баҳолаш бўйича яхлит ёндашув йўқ. Оқибатда талон-торожлик ва коррупция кўп.

Шу боис шаҳарсозлик меъёрларидан қурилиш ишларини баҳолаш билан боғлиқ 147 та норма чиқариб ташланмаган бўлди. “Қурилиш ресурслари классификатори” платформасини ишга тушириб, 100 мингдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматларининг бозор нархини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, лойиҳаларни тайёрлаш муддатини камайтириш мақсадида “Шаффоф қурилиш” дастурида “электрон каталог” яратилиб, ижтимоий объектларнинг намунавий лойиҳалари жойлаштириб борилади. Ундан барча буюртмачилар ва лойиҳа-пудрат ташкилотлари эркин фойдаланиши мумкин бўлади.

Йиғилишда вилоят ҳокимликлари қoшшдаги Ягона буюртмачи компаниялар фаолияти таҳлил қилинди. Уларга хорижий менежерлар, малакали архитектор ва муҳандисларни жалб қилиш, қурилиш жараёни ва иш ҳажмининг ҳисоблашни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан Ягона буюртмачи компанияларнинг лойиҳаларни ҳужжатларини ишлаб чиқиш, янги қурилишлар бўйича техник назорат функциялари бoсқичма-бoсқич аутсорсинг асосида хусусий секторга берилди.

Президентимиз қурилишлар сифати масаласига алоҳида тўхталди. Бу соҳадаги давлат назорат инспекцияси ходимлари ўз фаолиятини кўпроқ жарима қўйлашдан иборат, деб ҳисоблайди. Аслида, қурилишдаги кам-

чиликларнинг 70 фоизи кўпинча такрорланади ва уларнинг олдини олиш мумкин.

Шу боис ушбу инспекция фаолиятини қайта қўриб чиқиб, унинг ишини қурилишдаги тизимли камчиликлар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда бар-тарafdи эшитиш қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қурилиш вазирлигига объектларни рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Қадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилар экан, Тошкент ва Самарқанддаги архитектура институтларига академик ва молиявий мустақиллик берилиши айтилди. Уларда ўқиб халқро таълим дастурлари асосида йўлга қўйилади. Талабалар етакчи лойиҳа-қидирув институтлари ва қурилиш кластерларига бириктирилади. Йиғилишда ипотека кредитларидан фойдаланиш даражаси ҳам қўриб чиқилди. Хусусан, жорий йилда бюджетда тижорат банкларига 43 мингта уй-жой учун 13 триллион сўм, 29 минг нафар аҳолига субсидия учун 1 триллион 200 миллиард сўм кўзда тутилган. Лекин ўтган олти ойда аҳолига бу маблағларнинг 28—30 фоизи берилган, холос.

Шу боис бу борада ҳам бюрократияни камайтириш, аҳолига комплекс хизмат кўрсатадиган ипотека марказларини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари сўзга чиқиб, фикр ва тақлифларини билдирди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоевни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақам солиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади. Мулоқот чоғида кейинги йилларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари юқори суръат билан ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022 – 2026 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2019 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан:

республикамиз **81 та индикатор** бўйича баҳоланадиган Глобал инновацион индекси рейтингинда 2015 йилга нисбатан **36 та** поғонага кўтарилди; инновация ва илм-фан соҳаларига Давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан **3 бараварга** оширилди ва **1,5 триллион** сўмга етказилди; ёш олимлар 2018 йилда **6,5 минг нафар** бўлган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони **10,8 минг** на-

фарни ташкил этди, яъни бир ярим бараварга ўсди; охириги 4 йилда инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар (инновацион жамғармалар, венчур ташкилотлар ва бошқалар) сони **28 тага етказилди**; 2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилаётган **Халқро инновацион гоғлар ҳафталиги** — “Innoweek.uz” хорижий инновацион ва илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформасига айланмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторига илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022 – 2026 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСINI АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагиларга: ҳудудлар раҳбарлари, нефть, газ, энергетика, йўл инфратузилмаси, автомобиль саноати, темир йўлда ташиш соҳаларидаги корхоналар раҳбарларига — инновациялар жорий қилинган корхоналар, инновацион технологиялар, **расмийлаштирилган ихтиролар сони пастлиги, маҳаллий ишланмаларнинг тижоратлаштирмаганлиги, соҳаларга инновацион технологияларни кенг жорий қилишда сусткашликка йўл қўйилгани, илмий ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги, инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилмаганлиги**;

олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар раҳбарларига — **илмий фаолиятга оид давлат дастурларида грант лойи-**

ҳаларининг улуши пастлиги, уларнинг тижоратлаштириш жамғармаларига маблағ ажратилмаётганлиги, илмий лойиҳалар бўйича патентлар олинмаганлиги, халқро нашрларда илмий мақолалар чоп этилмаганлиги, илмий кадрларни тайёрлаш жараёни паст даражада ташкил қилинганлиги, тармоқларга хизмат кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Қўйидагилар: а) **2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ; б) **2022-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).



КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, улўғ инсон Ибройим Юсупов ва бошқа кўпгина қорақалпоқ ижодкорлари билан қадрдон бўлганлигидан жуда faxрланаман.

Муносабат

Ҳали собиқ шўро мафкурасининг кучли исканжасида юрган замонларда биз устоз шоир билан гоҳ Нукусда — Ақчақўл бўйларида, гоҳ Тошкентда — Дўрмон боғларида кўп марта учрашардик, адабиётимиз, халқимиз келажаги ҳақида ёрўғ хаёлларга берилардик.

Сўхбатларимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳам иштирок этарди.

Шоирларнинг, ижод аҳлининг ўз Ватани, адабиётини, халқини ва унинг келажаги борасида кўп ёрўғ орзулари бўлади. Биз сўхбатларимизда ҳали келажақда Ўзбекис-

тон, албатта, мустақилликка эришади ва ўзининг бахтини топади, деб ишонардик. Мен Ибройим оғанинг Зулфия опа, Шўхрат ака, Асқад ака билан, айниқса, Миртемир домла билан қадрдон эканлигини яхши билардим.

Ибройим Юсупов ҳақиқий дўстлик кўйчиси, ўз юртини, ўз халқини Ўзбек халқидан айро кўрмайдиган, Ўзбекистонни она Ватан деб билган, оғир-енгил кўнларда ҳам бирга бўлишни орзу қилган буюк ижодкор эди.

Мен унинг тақлифи ва ёрдами билан “Шахриёр” ва “Маспошшо” қорақалпоқ

эпосларини Ўзбек тилига ўғирдим. Ва улар халқимиз орасида машҳур бўлиб кетди. Камина Бердақ мукофоти билан тақдирландим.

Нафақат Ибройим Юсупов, балки Тўлепберген Қайипбергенов, Кенесбой Каримов, Муратбой Низанов, Абулқосим Ўтепбергенов, Ўразбой Абдурахмонов, Бахтиёр Генжамурод ва бошқа қорақалпоқ ёзувчи ҳамда шоирларининг асарлари Ўзбек адабиётини хазинасига қўшилигани ва уни бойитгани бутун оламга маълумдир.

Қутлимгаанда Нукусда бўлган ноҳуш воқеалар мени хайрату изтиробга солди, даставвал ишонмадим. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлигига, қадр-қимматига шубҳа билан қарағувчилар кимлар экан, деган савол туғилди.



Олий Мажлис Сенатининг XXVIII ялпи мажлисида



ушбу қонунлар муҳокама қилинади:

- “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги;
- “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги;
- “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида” ги.

Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги ҳисоботлари эшитилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги;
- Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи чорағидаги ижроси ҳақидаги.

Хўкуматга мазкур парламент сўровлари юборилади:

- Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида маҳаллийлаштириш дастурлари ижроси юзасидан;
- Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсири бўйича.

Вазирлар Маҳкамасига юборилган ушбу сўровлар натижалари таҳлил этилади:

- Экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар бўйича;
- Мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан;
- Ҳомилалар ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдакларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати бўйича.

Шунингдек,

Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорлари тасдиқланади.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРҒАН АНИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу йил 8 июлда Олий Мажлис Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган бир қатор масалалар қўриб чиқилиши режалаштирилган. Айни пайтда бу масалалар парламент юқори палатаси қўмиталарида муҳокамалардан ўтказилмоқда.



3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлиси 2022 йил 8 июль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Сенатнинг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ПОЗИЦИЯСINI БИЛДИРДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ҳаёти ҳамда халқимиз фаровонлиги, айниқса, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний ҳимоясини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.



3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг
ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодийётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида:

1. **2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Стратегиянинг **асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали **стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш** ҳамда **йирик ҳажмли** ишлаб чиқаришни (**капитал яратиш**) ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг **институционал механизмларини** такомиллаштириш орқали **инновацион фаол ташкилотлар** улушини ошириш; **кичик тадбиркорликнинг** инновацион фаолигини ошириш орқали **худоудларнинг ижтимоий-иқтисодий** жадал ўсишини таъминлаш;

янги турдаги махсулотлар ва инновацион технологиялар яратилишини **ғоядан ақуний истёъмолчигача** бўлган **комплекс тизимини** таъминлаш орқали **инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш**;

яратилган капитални “тубдан янгиловчи” инновацияларга **қайта йўналтириш** тизимини шакллантириш; **таълимнинг барча босқичларида** яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувида **инсон капиталини янада ривожлантириш**.

Белгилансинки, Стратегия эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар бўйича тегишли асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, **2024 йилдан бошлаб алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси”** асосида босқичма-босқич амалга оширилад.

3. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага мувофиқ:

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг худудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутади:

инновацион фаолият субъектлари (саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари) сонини **613** тадан **2 250** тагача етказиш;

инновацион инфратузилма субъектлари (технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлари ва акселераторлар) **сонини 3 бараварга ошириш**;

инновацион тадбиркорлик натижасида яратиладиган **янги иш ўринлари сонини 4 бараварга** ошириш;

ички ва ташқи бозорларда **тижоратлаштириш** натижа-

сида яратиладиган **янги инновацион ишланмалар** сонини **2 бараварга** ошириш;

б) Стратегияни худудлар кесимида амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутади:

худоуддаги инновацион марказлар сонини **494 тагача** етказиш; технологиялар билан шуғулланувчи маҳаллий саноат корхоналари сонини **600 тагача** етказиш;

худоудларда яратиладиган янги технологиялар сонини **384 тагача** ошириш;

худоудларда йиллик рўйхатга олинган патентлар сонини **184 тагача** етказиш;

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий, инновацион ва технологик лойиҳалар сонини **183 тагача** ошириш;

инновацион стартаплар сонини **1 437 тагача** етказиш.

5. 2022 йил 1 августдан бошлаб инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда **“тармоқ — худуд — илмий/олий таълим ташкилот”** занжирининг қуйидагиларга асосланган **яхлит тизими жорий этилсин**:

худоудй тармоқ ташкилотлари инновацияларга бўлган **эҳтиёж(лар) портфелини ишлаб чиқиб**, Инновацион ривожланиш вазирлигининг худудий бошқармаларига тақдим этади; Инновацион ривожланиш вазирлигининг худудий бошқармалари тармоқ муаммоларининг илмий ечимини таъминлаш бўйича ижрочи илмий/олий таълим ташкилотини (инновацион спин-офф компаниясини) **танлов асосида аниқлайди**;

танлов натижаларига кўра илмий/олий таълим ташкилоти (инновацион спин-офф компания) **“1+1” принципи** асосида тармоқ ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳаларни **молиялаштиради**;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилиши бозорда муваффақиятли ўзлаштирилган инновацион махсулотларни кенгайтириш ва келгусида сериялаб саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида **инвестиция портфели** ишлаб чиқилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган “тармоқ — худуд — илмий/олий таълим ташкилот” занжирини амалиётта тўлиқ ва сифатли татбиқ қилиш бўйича тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 августдан **“тубдан янгиловчи” инновациялар яратишни** рағбатлантиришнинг қуйидаги тизими жорий этилади:

маҳаллий илмий ташкилотлар ва корхоналарга инновацион товарлар ва дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари ва йирик давлат ташкилотлари билан шартномаларни **тўғридан-тўғри имзолаш ҳукуқи** берилиб, савдо харидлари **Электрон кооперация портали орқали амалга оширилад**;

устав фондида 50 ва ундан ортиқ фойз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларига **фойда солигини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридagi ажратмалари** ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган **Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғарма** (кейинги ўринда — Жамғарма)лари ташкил этилади. Бунда:

Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари “тубдан янгиловчи” инновацияларни яратишга ва **жорий қилишга йўналтирилади**;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **лойиҳалар портфели** Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш
стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) тармоқлар бўйича:

2022-2023 йилларда иқтисодийётнинг реал сектори тармоқлари томонидан янги инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда иқтисодийёт тармоқларида амалга ошириладиган **“драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати** 4-иловага мувофиқ;

иқтисодийёт тармоқлари ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологиялар асосида илмий ҳажмдор ва инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

г) **илмий ва олий таълим ташкилотлари бўйича:**

2022-2023 йилларда илмий ташкилотлар томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 6-иловага мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган **“драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати** 6а-иловага мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда инновацион фаолиятнинг **истикболли йўналишларида** илмий ташкилотлар ҳузурида ташкил этиладиган, **илмий ҳажмдор махсулотлар (товар ва хизматлар)** ишлаб чиқаришга **ихтисослашган янги инновацион академик корхоналар рўйхати** 6б-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларда олий таълим ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 7-иловага мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган **“драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати** 7а-иловага мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда инновацион фаолиятнинг **истикболли йўналишларида** олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган, **илмий ҳажмдор махсулотлар (товар ва хизматлар)** ишлаб чиқаришга **ихтисослашган янги инновацион корхоналар рўйхати** 7б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги **2023 йил 1 декабр**га қадар 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун иқтисодийётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, мазкур Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси икки йилга мўлжалланган **“Йўл харитаси”**ни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг сифатли ишлаб

чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этсин.

3. Мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган тармоқ ташкилотлари Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда илмий ҳажмдор ва инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ **ҳар йили ишлаб чиқиладиган “йўл хариталари” асосида ўз маблағлари ҳисобидан илмий ҳажмдор ва инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этсин**.

4. **2022 — 2024 йилларда** **истикболли йўналишларда** **Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор ва инновацион махсулотлар (товар ва хизматлар)** ишлаб чиқаришга **ихтисослашган янги инновацион (spin-off) корхоналар рўйхати** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, **янги инновацион корхоналар:**

иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларида ресурсларни мақбуллаштирган ҳолда талаб юқори бўлган ва истикболли инновацияларни кенг жорий этиш мақсадида ташкил этилаётган **илмий ҳажмдор корхоналар ҳисобланади**;

фаолиятни давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик йўритувчи субъектлар ҳамкорлигида давлат илмий дастурлари доирасида, маҳаллий бюджет ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари **ҳисобига амалга оширилади**.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йили илмий ҳажмдор махсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион корхоналарда рақобатбардош янги махсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш лойиҳаларига **давлат илмий дастурларига ажратилган маблағларининг 10 фоизи йўналтирилишини** таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари янги инновацион корхоналарнинг ташкил этилаётган худуддан қатъи назар, ўз фаолиятини барча худудларда амалга оширишига ҳамда миқозлар базасини кенгайтиришига қўмаклашсин.

5. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси худудидagi 1,95 га ер майдонида Инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки биноси ҳиёзланган ҳолда қуриб битказилганлиги ҳамда унинг негизида Инновацион ривожланиш вазирлиги муассислигида **“Inno texnopark” МЧЖ ташкил этилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Inno texnopark” МЧЖни “Yildiz Teknoloji Geliştirme Bölgesi Teknopark A.Ş.” ташкилотининг Ўзбекистондаги ишончли вакили (кейинги ўринларда — ишончли вакил) ишончли бошқарувига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

а) “Inno texnopark” МЧЖ ишончли бошқарувга **беш йилдан** кўп бўлмаган муддатга берилади;

б) келишувларга кўра ишончли вакилга қуйидаги **асосий ва-зифалар** юклатилади:

Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков устав фондида 50 ва ундан ортиқ фойз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари томонидан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни Жамғармаларга ўз вақтида ажратиш ва ундан мақсадли фойдаланиш устидан **тизимли назоратни амалга оширади, шунингдек, ҳар ярим йилда улар раҳбарларининг ҳисоботини эшитади**.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда устав фондида 50 ва ундан ортиқ фойз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларида жамғарма ташкил этилиши, унинг маблағлари тасдиқланган **миқдорда шакллантирилиши ҳамда мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин**.

б) ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда улушли молиялаштириш механизмига мувофиқ янги ишланмаларни жорий этиш асосида яратилган инновацияларни — интеллектуал мулкни ишланма эгалари билан биргаликда **патентлаш ва тижоратлаштиришни ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилади**.

7. Қуйидагилар:

2026 йилга келиб мамлакатимиз Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг **56** та илгор мамлакатаи **категорига киришига** эришишни **бош мақсад** қилиб қўйганлиги;

2021 йилда Глобал инновацион индекс рейтингини эълон қилинганлиги, унда Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан **7** та поғонага кўтарилиб, **132** та давлат орасида **86-ўринни** эгаллаганлиги, шу сабабли энг катта поғона юқорилаган мамлакатлар **топ-10** талигига кирганилиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши (Т.Нарбаева) Инновацион ривожланиш вазирлиги, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Глобал инновацион индекс рейтингига Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин**.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қишқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда етакчи хорижий уни-верситетлар билан ҳамкорликда **“Инновацион менежмент”, “Лойиҳа бошқаруви”, “Тижоратлаштириш”, “Интеллектуал мулкни бошқариш”** йўналишлари бўйича **ўқув дастурларини** ишлаб чиқсин ва 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида жорий қилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозорига инно-вацион ривожланиш йўналишидаги кадрларга бўлган реал эҳти-ёждан келиб чиқиб тайёрланган кадрлар қосимотини ва банд-лигини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Наманган вилояти **Чуст** тумани ҳокимининг **инно-вацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўрин-босари** лавозимни жорий этилганлиги ҳамда унинг фаолияти давомида ижобий кўрсаткичларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўз туман (шаҳар)ларининг иқтисодий салохиятидан келиб чиқиб, инновацион худудга айлан-тириш мақсадида ҳар бир худудда қўшимча **туман (шаҳар)ларни белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин** ҳамда ушбу худудлар **рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Нукус, Марҳамат, Ромитан, Дўстлик, Нишон, Кармана,

Ургут, Сирдарё, Олтинсой, Оҳангарон, Олтиариқ ва **Гурлан** ҳамда мазкур Фармоннинг 4-иловада келтирилган туманларда **ҳокимнинг инновацион ривожланиш масала-лари бўйича ўринбосари** лавозимлари жорий қилинсин.

Белгилансинки:

ҳоким ўринбосарлари лавозимлари **тегишли туман бюджети маблағлари** ҳисобидан молиялаштирилади; Инновацион ривожланиш вазирлигининг худудий бошқарма-лари ҳамда тегишли туман ҳокимларининг инновацион ривож-ланиш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигини ташкиллаштиради.

Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргалик-да бир ой муддатда инновацион ривожланиш масалалари бўйича ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимлари киритилган туманлари **инновацион худудларга айлантириш бўйича дастур-ларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**.

10. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПФ-6198-сон Фармони билан инновация-ларни жорий этиш вазифаси юклатилган раҳбар ўринбосарлари-нинг базавий лавозим моошига ҳар ойлик 30 фойз миқдоридagi устамалар тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг **бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан** (бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маъжуд бўлмаган тақдирда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида), ҳўжалик бир-лашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фойз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларнинг **ўз маблағлари ҳисо-бидан тўланади**.

11. Инновацион ривожланиш вазирлигига **қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин**:

иқтисодийёт тармоқлари, худудлар, илмий ва олий таълим ташкилотларининг инновацион фаолияти натижалари йиллик **рейтингини қоритиш**;

илмий ва олий таълим ташкилотларининг илмий фаолияти бўйича баҳолаш ҳамда янги илмий ишланма ва технологиялар яратиш лойиҳаларини **молиялаштиришнинг янги тизимла-рини ишлаб чиқиш**;

Электрон кооперация портали орқали амалга ошириладиган инновацион махсулот ва хизматларни тўғридан-тўғри харид қилиш-га оид **шартномаларнинг реестрини қоритиш**;

инвестицион лойиҳаларда инновацияларни жорий қилиш, худуд-ларда ўзлаштириладиган инвестиция лойиҳаларини технологик ечимлар билан тўлдириш, шу йўналишларга **инвестиция олиб келинишида қўмаклашиш**.

12. Ўшбу Фармон ихросини самарали ташкил қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва на-зорат қилиш Бош вазир ўринбосари **С.У.Умурзаков** ҳамда инновацион ривожланиш вазири **И.Ю.Абдурахмонов** зимма-сига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзаси-дан **2023 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 6 июль	

ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ЮТУҚЛАР ДАВЛАТИМИЗ ИМИЖИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан ташкил этилган тадбирда парламент юқори палатаси Раиси Танияза Нурбоева, ташқи иш-лар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов, Давлат бошқаруви академияси ректори Адхам Бекмуродов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Роли Астхана ва бошқалар сўзга чиқди.

— Жамиятимизда “Янги Ўзбекистон —

ижтимоий давлат” тамойили шаклланмоқ-да, — деди Т. Нурбоева. — Табиийки, ҳаёт-нинг ўзи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни ангитдан тартибга солишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда конституциявий ислохотни амалга ошириш заруратини юзга келтир-моқда. Қолаверса, бугунги глобал ва мин-тақавий вазиятдан келиб чиқиб, ички ҳамда ташқи ҳавф-хатар, инқироз таъсирига му-носиб жавоб қайтарishi, замонавий қақи-риқ ва таҳдидларга қарши курашиш зарур.

В. Норов ўз маърузасида бугунги кун-да Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамла-катнинг миллий манфаатларини самарали илгари суриш ва замонавий халқаро му-аммоларга муносиб жавоб қайтарishi им-конини берувчи очик, изчил ва чуқур ўйлан-ган ташқи сиёсат амалга оширилаётгани-ни таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимиз ташқи сиёсати кескин фаоллашди. Тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши натижасида респу-бликанинг қўшни мамлакатлар, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро институт-

лари билан сиёсий, иқтисодий ва мада-ний алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган та-шаббуслар халқаро ҳамжамият томони-дан қизгин қўллаб

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоеванинг Хитой Халқ Республикаси Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси Ли Чжаньшу билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Мулоқот давомида Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасидаги стратегик ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва олий даражадаги келишувларни амалга оширишда мамлакатларимиз парламентлари алоқаларини кучайтириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

ФАВКУЛОДАДА ҲОЛАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРГАН АНИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Иштирокчилар томонидан мазкур қонун мамлакатимизда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишда дастуриламал бўлиши алоҳида айтиб ўтилди.

Қонунда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш ва эълон қилиш ҳавфи юзага келганлиги тўғрисида аҳолига ҳабар бериш, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг аниқ вазифалари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларига раҳбарлик қилиш ва ана бир қатор ҳолатлар мустаҳкамланмоқда.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус

кистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасида парламентлараро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида белгилаб қўйилаётди. Унинг ваколатларига эса аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш, фавқулодда вазиятларни прогноزلаш, олдини олиш ва бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш қиради.

Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишдаги иштироки тартиби белгиланмоқда.

Мазкур масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат қўмиталарида

ФАРМОН ИЖРОСИ ДОИРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида “Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Фармон доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида маҳаллий саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар кўрсатиш йўналишларидаги тадбиркорлик субъектларига солиқлардан имтиёз бериш билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугун туманда шу тоифалардаги 479 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, 9 361,8 млн. сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилган ва мазкур маблағлар улар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига қорхона қурилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техникаларни республиканинг бошқа ҳудудларидан олиб келиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга махсулотларни бошқа ҳудудларга етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транспортдаги таш харажатининг 50 фоиз қисmini қоплаш бериш чоралари кўрилган. Аниқ айтилган бўлса, ҳозирга қадар 13 та қорхонанинг 1,1 млрд. сўмлик транспорт харажатлари қопланган.

Маҳаллий экспортчилар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга махсулотларни экспорт қилиш, уларнинг транспорт харажати тўлиқ қоплаш мақсадида 23 та қорхонага 19,5 млрд. сўм маблағлар ҳудудий солиқ бошқармаси томонидан қайтариб берилган.

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа, Янгиқир ва Янгибозор туманларида эса 442 та тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил этилган. Солиқлар юкларининг 50 фоизга қамайтириш ҳисобига бу тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида фойда солигидан 485,1 млн. сўм, юридик шахслардан олинадиган ер солигидан 121 млн. сўм ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан 197,5 млн. сўм, жами 803,6 млн. сўм қолиши кутилмоқда.

Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 98 та маҳалладан яшовчи фуқароларга жорий йилда 142,4 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган бўлиб, 1 июлгача 58 млрд. 657 млн. сўм маблағ аҳоли ва тадбиркорларга берилган.

Шунингдек, маҳаллий экспортчилар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга махсулотларни экспорт қилишда 8 386,9 млн. сўмлик махсулотлар экспорт қилинган сенаторлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўпилди.

Махлисда қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ФРАКЦИЯЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРДИ

Хизматлар тармоғи янада ривожланади

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар дастлаб “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликка кўра пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Аммо пенсионернинг охириги ўн йиллик меҳнат фаолиятига оид бўлган даврлари учун сўғурта бадаллари (ижтимоий солиқ) тўлган бўлса-да, бу даврлардаги, шунингдек, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлганда қолган сумманинг миқдори пенсия ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Мухокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклифлар берди. Ушбу ҳужжат иш ҳақининг миқдори, иш стаж ва пенсия миқдори ўртасидаги боғлиқлиқни таъминлаш орқали пенсия тизимида ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам бериши қайд этилди.

Депутатларнинг айтишича, мазкур тартибнинг жорий этилиши юқори иш ҳақи олган фуқароларга муносиб пенсияларни тайинлаш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат таъминлаш мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Йиғилишда “Солиқ ва боғжона қонунчилигининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамадан ўтказилди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга тушурилди.

Қонун лойиҳаси муҳокама жараёнида уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилди. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мулк ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи ундирилади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар томонидан кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — Ўзбе-

кистон Республикасининг “Солиқ ва боғжона қонунчилиги, шунингдек, солиқ ва боғжона имтиёзларининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан 28 та туман ва шаҳарнинг халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланганда туризм ҳудудларида кўрсатилаётган меҳмонхона, савдо, умумий овқатланиш, кўнглоочар, турооператор ва турагент хизматлари учун айланмадан олинадиган солиқнинг 1 фоизлик ставкасини қўллаш ҳамда мулк ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизини ундириш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади.

Йиғилишда кейинги масала — “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонунчилик географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш белгилангани, аммо амалдаги қонунда бу тартибни очиб бериш назарда тутилмагани таъкидланди.

Шунингдек, маҳаллалар, шоҳқўча ва қўчалар, майдон, боғ ҳамда хиёбонларга Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган. Ушбу қонун лойиҳаси билан эса бундай ноаниқликлар тартибга солинмоқда.

Фракция йиғилишида ҳар иккала қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Ҳужжат лойиҳаси билан қатор имтиёзлар берилмоқда

“Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Дастлаб “Солиқ ва боғжона қонунчилигининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга тушурилиши, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга

фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари берилиши, алоҳида солиқ режими жорий қилиниши депутатлар томонидан эътироф этилди. Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда депутатлар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди ва қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг фракция аъзолари ҳудудларда олиб бориладиган учрашув натижаларини таҳлил қилиш ва устувор вазифалар белгиллаб олинди.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди. Ва кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори ошириляпти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасига электротрансферти нуктаи назаридан эътибор қаратилди.

Мазкур ҳужжат 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача ойлик иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ўн икки баробарига ошириши назарда тутади.

Таъкидланганидек, қабул қилиниши таклиф этилаётган янги тартиб иш ҳақининг миқдори, иш стаж ва пенсия миқдори ўртасидаги боғлиқлиқни таъминлаш орқали пенсия тизимида ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам беради. Яъни яхши ишлаб яхши ҳақ олган одамлар салмоқли пенсияга ҳам эга бўлиш имконияти янада ортади.

Депутатлар қонун лойиҳаси инсон қадрини жойига қўйиш, пенсионерларнинг турмушини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлашди. Ҳужжат мазмунини Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида назарда тутилган мақсадларга тўла мос келгани учун ҳам қонун лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.

Фракция аъзолари, шунингдек, “Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Солиқ



ва боғжона қонунчилиги, шунингдек, солиқ ва боғжона имтиёзларининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мобил алоқа: акциз солиғи ставкаси туширилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Солиқ ва боғжона қонунчилиги, шунингдек, солиқ ва боғжона имтиёзларининг қўлланилишини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси солиқ ва боғжона қонунчилигида белгиланган тегишли имтиёз ва мажбуриятларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Хусусан, қонун лойиҳасида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда фарзандлари тарбияланиши ва тахсил олиши учун ота-оналар томонидан тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар даромад солиғидан, талабалар томонидан олий таълим муассасалари ҳудудда пуллик ўқув курслари, спорт тўғрақлари ва бошқа хизматлар ташкил этилган тақдирда, уларни ушбу фаолият учун даромад солиғидан, қишлоқ жойларда мобил алоқа компанияларининг антенна-мачта иншоотлари ҳамда улар эғалалар ерлар мулк ва ер солигидан озод қилиниши белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкасини 15 фоиздан 10 фоизга тушириш, 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона объектлари ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари бўйича тадбиркорлик субъектлари учун мулк ва ер солиғи ставкаларини 90 фоизга қамайтириш таклиф қилинмоқда. Фракция аъзолари қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасини маъқулланди.

Шундан сўнг депутатлар томонидан “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Нуктаи назар

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС, ЧИНАКАМ ҲИМОЯЛОВЧИ СОҲАГА АЙЛанади

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси қизгин давом этмоқда. Бу жараёнда фуқароларга ўз фикри ва ҳошия-иродасини эркин билдириш учун барча шароит яратилган.



кўрсатма бераётган гувоҳларнинг қақиртирилиши ҳуқуқига эга;

— қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ҳуқуқбузарликлардан ва ҳокимиятнинг суистеъмол қилишдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади;

— давлат жабрланганларга одил судловдан фойдалана олишини ва етказилган зарар компенсация қилинишини таъминлайди. Ҳар бир шахс давлат органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарининг ўрни давлат томонидан қоплаши ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг 26-моддасида эса ҳеч ким аниқ бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилмиши, ҳеч бир шахс одир этилган пайтда ҳуқуқбузарлик деб топилмаган қилмиш учун жавобгарликка тортилиши, қилмиш учун жазони истисно этадиган ёки енгиллаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эгалиги, жавобгарлиқни белгилайдиган ёки оғирлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эгаслиги, ҳеч бир инсон расмий равишда эълон қилинмаган қонунга асосан ҳукм қилиниши, жазага тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Конституциявий қонун лойиҳасининг 26- ва 26-моддаларига киритилаётган ўзгаришлар, энг аввало, инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фақат жазоловчи эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланишига хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали одамларнинг кўп йиллик озуларини рўйбга қикади, ҳар бир фуқаро озод ва обод яшаш бахтига муассар бўлади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Конституциявий қонун лойиҳаси 2022 йилнинг 25 июнидан 5 июлга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Шунингдек, қонун лойиҳаси “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида ҳамда “meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформасида эълон қилинди. Бу эса фуқароларимизга умумхалқ муҳокамасида фаол иштирок этиш, қонун лойиҳаси бўйича ўз таклифларини юбориш имконини берди.

Ҳозирги кунда ушбу қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳудудидида қизгин кетмоқда. Қонунчилик палатаси депутатлари қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларда конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтирмоқда.

Халқимиз ҳам янги ўзгаришларга бефарқ қарамай, конституциявий ағиланишларни яқдиллик билан қўллаб-қувватляпти. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати юксалтириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, умуман, мамлакатимиз

ҚИЗГИН МУҲОКАМАЛАР, АСОСИ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Конституциявий ислохотлар қизгин паллада. Бугун халқимиз, кенг жамоатчилик парламент томонидан ишлаб чиқилган Конституциявий қонун лойиҳасининг қар томонлама пухта, пишиқ, халқчил қонун ҳужжатига айлантиришга бевосита ва билвосита ҳисса қўшиб келяпти.



Маълумки, 2022 йил 24 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланиб, 25 июндан 5 июлга қадар ушбу қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинган эди.

Конституциявий қонун лойиҳаси “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида ҳамда “meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформасида эълон қилинди.

Ўтган давра мобайнида, умумхалқ муҳокамаси жараёнида янгича фикрлаш ва яшашга қўникаётган халқимиз Асосий Қонунимизни бугунги ҳаёт талабларига мос ҳолда янгилаш масаласини тўла қўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўлдиқ. Қарийб ўн қулмик умумхалқ муҳокамаси даврида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамаияти институтларида жами 57 миңдан зиёд таклифлар келиб тушгани ҳам аҳоли, жамоатчилигимиз вакилларининг конституциявий ислохотларга бефарқ эмаслиги ҳамда халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганидан далолатдир.

Айни пайтда Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг сони қўпчилиги, ўрганилиши, таҳлил этилиши керак бўлган масалалар сони ортганлиги Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда Қонунчилик палатасидаги масъул қўмиталар депутатлари томонидан умумхалқ муҳокамаси мuddатини узайтиришга оид таклифни юзага келтирди.

Шу боис 2022 йил 4 июлдаги мажлисда Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг мuddатини 15 июлгача узайтириш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Аминмани, ушбу фурсат фуқароларимиз учун манфаатли бўлади, яъни таклифларини бериш, юбориш имкониятлари янада кенгайди, шу билан бирга, қонун лойиҳаси тобора тақомилига етказилишига хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керак, айна пайтга қадар ўтказилган умумхалқ муҳокамаси ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудидида қизгин ташкил этилди. Жойларда парламент аъзолари, депутатлари, сенаторлар, олимлар, мухаттасплар иштирокида сайловчилар билан бевосита мулоқотлар ўтказилди.

Хусусан, Наманган вилоятининг Норин ва Уйчи туманларидаги сайловчилар билан ўтган учрашувлар бир томондан, Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, киритилаётган ўзгаришлар ҳақида тушунчалар бериш, иккинчи томондан, ушбу нормалар юзасидан сайловчиларнинг таклифларини ҳам қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мухтасар айтганда, қизгин муҳокамадан, асосли таклиф ва ташаббуслар ҳали давом этадиган бўлди. Зотан, халқимиз билан маслаҳат қилиб, янги Ўзбекистоннинг Конституциясини Ватанимиз тақдир ва келажаги учун гоят муҳим ҳужжатга айлантиришга эришамиз.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Конституциявий комиссия аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори.

БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИ ЕТАРЛИЧА ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун нормалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик томонидан қандай ижро этилаётгани таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, вазирлик томонидан очиклиқни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, меҳнат қонунчилиги, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан оммавий ахборот воситалари иштирокида мунтазам равишда

матбуот анжуманлари ва брифинглар ташкил этилмоқда.

Расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар орқали вазирлик фаолиятига оид материаллар ҳамда меҳнат ресурслари баланси, аҳолига кўрсатиладиган бандлик хизматлари ва меҳнат қонунчилиги юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари билан боғлиқ маълумотлар доимий эълон қилиб келинаётир.

Ўз навбатида, мажлисда вазирлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари то-

монидан очиклиқни таъминла

1 2 3 4 5 6